*Касаба уюшмаларида*

# ШАРТНОМА БАЖАРИШ УЧУН ТУЗИЛАДИ

Қарши ёғ-экстракция ҳиссадорлик жамиятида хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили корхонада жаҳон андозаларига жавоб берадиган пластик идишларга минерал сув қуйиш цехи ишга туширилган бўлса, бу йил эса Ўзбек-Сингапур қўшма корхонасининг саъй-ҳаракати билан пластик идишларга ёғ қуйиш цехи фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Натижада корхонада маҳсулот ҳажмининг кўпайиши, сифати ошишига, молиявий аҳволнинг яхшиланишига эришилмоқда.

Жамиятда акциядорлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш борасида қатор тадбирлар бажарилмоқда. Корхона 1997 йилни 78 миллион сўмлик яхши даромад билан якунлади. 1998 йилнинг ўтган ойларида ҳам қувонарди натижалар қўлга киритилди. Жамият ходимларига иш ҳақи ўз вақтида бериб борилмоқда.

- Оила йилида 80 минг тонна чигит қайта ишланиб, 12400 тонна пахта ёғи, 33200 тонна шрот, 27400 тонна шелуха, 250 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқариш кўзда тутилган - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Суяр Абдуллаев.

Соф даромад ҳисобидан ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш учун 2 миллион сўм, уй-жой қурилиши ва ижтимоий-маданий ишларни бажариш учун 5 миллион сўм, акциядорларга 7 миллион сўм миқдорида дивидент тўлаш қайд этилган. Корхонада ишловчиларнинг фарзандлари болалар боғчаларида тарбияланиши учун сарфланадиган маблағларнинг 50 фоизи корхона ҳисобидан қопланмоқда. Ҳозиргача муҳтож оилалардан 18тасига моддий ёрдам кўрсатилди. Оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёллар меҳнати, уларга бериладиган имтиёзли таътил ва кафолатлар, ҳомиладор ва болали аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш қатъий назоратга олинган. Касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракати билан илғор ишчи-хизматчилар республикамиздаги қадимий шаҳарлар бўйлаб бепул туристик саёҳатларга боришмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштириш мавсумида кўнгилли дам олишлари учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Яккабоғ туманидаги «Ёшлик» оромгоҳига 110 та йўлланма берилади.

Йўлланмаларнинг 50 фоизи корхона ҳисобидан тўланади.

Корхонада ишловчилар учун маиший ва савдо хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Сартарошхона, меҳмонхона, ҳаммом, нонвойхона, чойхона ва ошхона ишлаб турибди. Жамоа ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Бу ерда 96 бош сигир ва 40 бош қўй-қўзи парвариш қилинмоқда. Сут маҳсулотлари зарарли иш жойларида ишлайдиганларга, болалар боғчаси тарбияланувчиларига бепул берилмоқда.

Дарҳақиқат, жамоа муваффақиятида жамият бошқарувининг касаба уюшма қўмитаси фаолиятини тан олиб иш олиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Дам олиш масканларида*

## «ЗИЛОЛ» ҲАҚИҚАТАН ЗИЛОЛ

**Зилол - бу мусаффо, тоза, тиниқ демакдир. Исми жисмига ярашган бу дам олиш масканининг чор-атрофи тоғлар билан ўралган. Бу тоғларни сайр қилар экансиз, унинг гўзаллиги, покиза ҳавоси чарчаган танларга ҳузур бағишлайди.**

**Республика сув хўжалиги ходимларининг «Зилол» санаторийси Чимён қишлоғига жойлашган. Тоғлар ўртасидаги қишлоқ мевали ва манзарали дарахтлари билан янада чиройли. Санаторий бош шифокори Умаржон Латипов 1991 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётир. Масканнинг Диломхон Каттабекова, Мунзирахон Отабекова, Дилфузахон Баҳромова, Адолатхон Ғозиева, Мақсудахон Йўлдошева ҳамда Одилжон Турғунов сингари шифокор ва ҳамширалари дам олувчиларнинг яхши ҳордиқ чиқариб, соғликларини тиклашларида қўлдан келганча хизмат кўрсатмоқдалар.**

Одил САЙФИДДИНОВ.

## ЯНГИ ЦЕХ



*Боғдод туманидаги Дон маҳсулотлари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланган ўт уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу мақсадда ширкат хўжаликларида фойдаланилмасдан турган ускуналар корхонанинг янги цехига келтириб ўрнатилди. Айни кунда мазкур цех бир кеча-кундузда 8 тонна ўт уни ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулот учун табиий ўтўланлар, ўсимликлардан хом ашё сифатида фойдаланилмоқда.*

*Суратда: Боғдод ҳиссадорлик жамияти бош механиги Анваржон Машрабов Хонқа омухта ем тайёрлаш цехи бошлиғи Тоҳиржон Раҳматуллаевга янги цех иш жараёни ҳақида сўзлаб бермоқда.*

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

# ДАРДНИНГ ДАВОСИНИ СЎРАНГ

Сир эмаски, инсоннинг узоқ умр кўриши энг аввало унинг истеъмол қиладиган озиқ-овқатининг сифатига, таркибига боғлиқ. Озиқ-овқатнинг сифати эса қилаётган деҳқончилигимизга бориб тақалади. Хўш, деҳқонларимиз бизга ҳар томонлама сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб бераяптими? Мана шуниси киши дилини ғаш қилади. Собиқ СССР даврида-»Коммунизм - бу мамлакатни электрлаштириш - механизациялаш - химиялаштириш»,-дейилган шиор остида иш олиб борилар эди. Ҳақиқатдан ҳам 1980-1990 йилларда деҳқончиликни химиялаштириш энг юқори даражага етган эди. Айниқса пахтачиликда минерал ўғитлардан фойдаланиш жуда авжига чиққан эди. Ҳолбуки меъёридан ортиқ ишлатилган ҳар қандай химиявий модда ҳам соғлом организмни, жумладан ерни ҳам емирувчи ҳисобланади. Ҳисобсиз ишлатилган селитралар ерга ҳам, қишлоқ хўжалиги экинлари сифатига ҳам, пировардида инсон саломатлигига ҳам зарар етказмасдан қолмади. Жумладан, ҳар гектар пахта майдонига ишлатиладиган селитра ўғити 1,5 тоннадан ҳам ошиққа тўғри келар экан. Бу ернинг бўйнига сиртмоқ солиб, оғзига азот тиқиб «ҳосил берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан» деб, мажбур қилишдан бошқа нарса эмас эди. Оқибатда нитратдан нафақат тупроқ ва сувлар, ҳаттоки обҳаво ҳам ифлосланди, тупроқнинг унумдорлиги пасайиб кетди, тупроқ эрозиясини кучайтирди. Минерал ўғитларнинг кўп ишлатилиши пахтадан ташқари, озиқ-овқат ўсимликларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ҳали-ҳанузгача кўпгина туманларда помидор, балғар қалампури, картошка, карам, пиёз каби ўсимликлардан ҳосил олиш қийин бўлаяпти. Ерга азотли ўғитларнинг кўп берилиши ўсимликлар учун зарур бўлган фойдали микроорганизмларни, жумладан, тупроқдаги табиий озиқа моддаларини майдалаб берадиган ёмғир чувалчанглари, ҳаттоки кейинги йилларда АҚШдан келтирилган калифорния чувалчанглари ҳам қирилиб кетди. Аммиакли селитра ва унинг таркибидаги нитрат чорва молларига ҳам салбий таъсир қилмасдан қолмади. Чунки чорва моллари учун асосий ем-хашак-маккажўхори пояси, беда, рож каби ўсимликлар асосан селитра ҳисобидан ўстирилади. Оқибатда бу чорва молларининг орик бўлиб, касал бўлишига ҳамда бола ташлашига олиб келди.

Келинг, бир бошидан кўриб чиқайлик. Азотли ўғитлар асосан аммиакли селитра ҳолида ишлаб чиқарилиб, таркибида азот миқдори қарийб 35 фоизни ташкил қилади. Аммиакли селитра таркибининг ярмини аммиак ва ярмини нитрат ташкил этади. Инсон ва ўсимлик учун ҳам, тупроқ ва ҳайвонот олами учун ҳам энг хавфлиси нитрат ҳисобланади. У ўсимлик таркибида, ҳосили ва мевасида кўп вақт, айниқса ҳаво ҳарорати паст бўлганда парчаланмасдан тўпланиб қолиш хусусиятига эга.

Бундай ҳол айниқса кузда ва баҳорда етиштирилаётган, шунингдек иссиқ хоналарда, плёнка остида ўстирилаётган сабзавот, картошка, полиз маҳсулотларида кўп учрайди. Бунинг асосий сабабчиси ношуд, ноинсоф деҳқонлардир. Чунки нормал агротехника шароитида ўсимлик ҳосили ўриб териб олиниши камида I-I,5 ой олдин азотли ўғитлар меъёрида берилиши лозим. Баъзи деҳқонлар эса помидор, бодринг каби ўсимликларга селитра бериб, 5-6 кундан кейин ҳосилни бозорга сотишга олиб чиқмоқдалар.

Табобат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, нитратга бой сабзавотлар истеъмол қилинганда биринчи навбатда киши ошқозонига тушади ва ошқозон-ичак шиллиқ пардасини емириб зарарлайди. Қон орқали юрак, буйрак, жигар, ўпка каби органларнинг иш фаолиятини бузади. Оқибатда инсонда заҳарланиш пайдо бўлиб, бош айланиб қусади, кам қувватлик, дармонсизлик ҳолларини келтириб чиқаради. Бундай организмга ҳар қандай касаллик (айниқса сариқ касаллиги) тез юқади.

Собиқ СССР даврида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан қишлоқ хўжалиги вазирлиги биргаликда «Овқатланиш гигиенаси масалалари»га доир қабул қилинган йўриқномасида 16та маданий ўсимликлардан олинадиган маҳсулотларда ва ундан тайёрланадиган консерваларда нитратнинг охирги миқдори белгилаб қўйилган эди: Жумладан, ҳўл меваларда оғирлигига нисбатан миқдори (килограммда мг ҳисобида) болалар учун тайёрланадиган мева-сабзавот овқатларида 50 мг-дан,

картошкада - 250 мг -дан
эртаги карамда - 900 мг - дан
кечки карамда - 500 мг - дан
эртаги сабзида - 400 мг - дан
кечки сабзида 250 мг - дан
помидор, бодрингда - 150 мг - дан
ковунда - 90 мг - дан
тарвузда - 60 мг - дан ошмаслиги белгилаб қўйилганди.

Назаримда бу талаб ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаган. Лекин бунга кўп жойларда тўлиқ амал қилинмайди. Шуни айтиш керакки, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари турлича бўлганлиги сабабли энг аввало ўсимлик баргларида, поясида, илдизида,илдиз меваларида, шох-шаббаларида нитрат кўпроқ тўпланади. Мисол учун карам бошида, сабзи, турп, шолғом, редиска мевасида нитрат поясига нисбатан 30-40 фоиз кам тўпланади. Бодрингнинг ўзагига нисбатан сиртида нитрат миқдори 70 фоиз кўп тўпланади. Қовун, тарвузда эса яхши пишиб етилган жойига нисбатан пишмаган, кўк қисмида нитрат миқдори (айниқса дум қисмида) кўп бўлади. Кеч экилган картошка ҳосилида (овқатга ишлатилганда эзилиб кетади) ҳам нитрат кўп тўпланади. Шунинг учун ҳам кеч экилиб ҳосили етилмасдан қолган картошка туганакларидан овқат тайёрланганда картошкаси тахир-аччиқ бўлади. Таҳлил шуни кўрсатадики, сабзавот ва картошкадан овқат тайёрланганда нитрат миқдори бирмунча камайиши мумкин: Мисол учун, картошкада 60-70, сабзи, пиёз, карам, помидорларда 40-60 фоизгача камайиши аниқланган.

Экологик жиҳатдан нечоғлик сифатли сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари етиштирилса фарзандларимиз шунчалик соғлом, оилаларимиз мустаҳкам, пировардида эл-юртимиз обод, давлатимиз мустаҳкам бўлади.

Баъзан ўйлаб қоласан киши, Улуғ Бобомиз Амир Темур Самарқанд атрофида ўнлаб боғлар ташкил қилган, лекин аждодларимиз азотни билишмаган-ку! Ёки бўлмаса ўзимизда 1960 йилларгача бўлган даврда етиштирилган пахта, бошқа экинларга минерал ўғитлар (жумладан азот) берилмасдан юқори ҳосил олинган-ку. Менинг ҳамон эсимда: ўша йиллари 138,108-ф навли пахталар экилиб, гектаридан юқори ҳосил олинар, бир кўсакнинг вазни 7-8 граммгача келар эди.

Умуман олганда одамлар истеъмол қиладиган ўсимликларга, айниқса сабзавот, картошка, полиз экинларига азотли ўғитларни беришни таъқиқлаш (иложи бўлса қонун йўли билан) вақти келмадимикин? Деҳқончиликда ерларнинг табиий унумдорлигини тинимсиз ошириб бориш (бунинг йўллари жуда кўп) Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси бўлиб қолиши лозим. Шундагина биз халқимизниинг ҳам соғломлигини, ҳам фаровонлигини таъминлаган бўламииз.

**Эшмурод СУЯРҚУЛОВ.**

*Касабақўм: бугун у қандай бўлиши керак?*

# ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

***Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»нинг қабул қилиниши ёш авлод келажагига муҳим тамал тоши қўйилишидан далолатдир. Таълим муассасалари ва тарбия масканларида бу муҳим ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримиз Гулистон туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Бекжўра Оқжўраев билан шу хусусда суҳбатлашди.***

**- Бекжўра ака, маълумки мураббийлар зиммасига ғоят масъулиятли вазифалар юкланган. Ана шу ишончни оқлашга касаба уюшма ташкилоти қандай ҳисса қўшаяпти?**

- Истиқлол шарофати туфайли мактабларимизга замонавий техника, асбоб-ускуналарининг кириб келиши устозларни мамнун этмоқда. Бугунги ўқувчиларимиз бундан ўн йил илгариги ўқувчилардан тубдан фарқланади. Муҳим вазифаларни бажаришда касаба уюшма ташкилоти оқсаб қолиши мумкинми? Бугунги кунда ташкилотнинг ўрни қандай бўлиши керак? Бу ҳақда ҳар куни бош қотиришга тўғри келади. Энг аввало ишни пухта режа асосида олиб боришга интиламиз. Чунки касаба уюшма фаолиятини маълум бир вазифалар билан чеклаб бўлмайди. Меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш давлат томонидан белгиланган имтиёзларни тадбиқ этиш меҳнат хавфсизлиги, меҳнат шароитини яхшилаш, рағбатлантириш асосий вазифамиз. Ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга, таълим масканлари таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Ташкилотимизда 2500 нафар аъзо бор. Улар 43 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига бирлашган. Халқ таълими бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда тармоқ ходимлари фахрийлари моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаяпти. Ўтган йили 100 минг сўмдан кўпроқ ана шундай моддий мадад берилди. Оила йилида ҳам рағбатлантириш ишлари янада яхшиланмоқда.

**- «Таълим тўғриси»даги қонунда мураббий, устозларни ижтимоий муҳофазалашга, уларга қўшимча имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ана шу имкониятлардан қандай фойдаланилаяпти?**

- Республикамиз Президенти Фармонларига мувофиқ белгиланган имтиёзларни ижро қилишни доимо назорат остига олганмиз. Туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда узоқ қишлоқлардан қатнаб ишловчи ўқитувчилар учун туман транспортида бепул юриш ҳуқуқини жорий этгандик. Лекин бунга маҳаллий бюджетдаги тақчиллик изм бермади. Фақатгина 1997 йил 1 ойгина муаллимларимиз бу имтиёздан фойдаланишди холос. Истардикки бу тадбирлар қоғозда қолиб кетмасдан амалда ўз ижросини топса. Ойлик маошларни олишда узилишлар ҳам бор. Бу албатта, ўзимиз ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифалардир. Яқин кунларда ўз ечимини топишига аминмиз. Туманимизда давлат уйларида яшаб турган барча ўқитувчиларга ўзлари яшаб турган уйлар хусусий мулк қилиб берилган. Шунингдек, ўқитувчилар электр энергияси, табиий газ тўловларига яратилган имтиёзлардан ҳам тўлиқ фойдаланиб келишаяпти. Ўқитувчилар саломатлигини яхшилашни эътибордан четда қолдирганимиз йўқ. Ўтган даврда 21 нафар ўқитувчи Республикамизнинг турли ҳудудларидаги сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтдилар.

**- Бекжўра ака, мана сиз ўн уч йилдан буён касаба уюшма ташкилоти етакчиси лавозимида ишлаб келаётган экансиз. Ташкилот мавқеи ҳақида икки оғиз...**

- Жамоада ўз ўрнини топишни истаган касабақўм ишлаши керак. Касабақўмнинг бурч ва вазифалари ташкилот раҳбариникидан сира ҳам кам эмас. Шу боис ҳар бир етакчи аввало ўз устида ишлаши, изланиши шарт деб ўйлайман. Ана шундагина одамларнинг ишончли ҳамкори, фикрдоши, маслакдошига айланиб қолади. Ҳар бир касаба уюшма ташкилоти замон талабига «лаббай» дея жавоб бера олмас экан назардан қолиб кетаверади. Фурсатдан фойдаланиб тармоқ ходимларини ташаббускорроқ, журъатлироқ бўлишга даъват этардим.

Суҳбатни Нурилла ШАМСИЕВ ёзиб олди.

***Ўшанда у жуда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Турмуш ўртоғи бетоб, ўғли бетоб, унинг устига бу фалокат. Бутун ташвишнинг остида қолиб, дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди. Бошини тўрт деворга урдики, қани бир нажот бўлса... Йўқ, нажот келди. Ғойибдан эмас. У меҳнат қилиб турган жамоадан. Буни у ҳеч қачон унута олмайди. Қўлидан келганча қайтаришга ҳаракат қилади. Одамгарчиликка одамгарчилик билан албатта жавоб беради.***

*Ижтимоий ҳимоя*

# ОДАМГАРЧИЛИК...

Воқеа бундай бўлганди. Тошкент тумани электр тармоқлари идораси электромонтёри Пан Анатолий уйи сув тошиши натижасида панд берди. Уйнинг замини ҳам ночор эканми, яшаб бўлмайдиган даражага келди. Халқимизда туя минг танга мана минг танга, тул бир танга қани бир танга деган мақол бор. Буёғи бозор иқтисодиёти. Яхши кунлар ҳам келиб қолар. Лекин бирдан катта жамғармага эга бўлиш жуда қийин. Ўшанда Анатолийнинг ўт ичида қовурилаётганини сезган корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси вакиллари уйига келиб кўнгил сўрашди. Сўнг маслаҳат қилишди. Кошона бўлмаса ҳам яшаш шароити етарли уй қуриб олишига катта ёрдам беришди.

Умуман, Тошкент тумани электр тармоқлари идорасида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор билан қаралаяпти. Турли имтиёзлар яратиляпти. Тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат ўрнатилган.

Жамоа шартномасига мувофиқ ишчи-хизматчи меҳнат таътилига чиққанида, агар йил давомида ижтимоий ва моддий қонун-қоидаларни бузмаган бўлса бир ойлик маошгача миқдорда мукофот пули берилади.

Корхонада ишловчилар билан бирга, шу ерда илгари ишлаган фахрийларни ҳам ижтимоий ҳимоялашга эътибор берилаяпти. Масалан, йигирма йилдан кўп мазкур ташкилотда ишлаган фахрийларга ҳар йили тармоқда қабул қилинган энг кам маош миқдорида икки ойлик маош берилаяпти. Иккинчи жаҳон уруши, Афғон воқеалари, Чернобиль фалокати қатнашчиларига йил давомида имкониятга қараб моддий ёрдам бериб борилади. Бундан ташқари яна бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Оила йили муносабати билан ҳам меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларига енгилликлар, имтиёзлар яратилган. Масалан, ёш оилаларга ўз хўжалигини тиклаб олиш учун касаба қўмитаси ва иш берувчининг ҳамкорликдаги қарори билан тармоқдаги энг кам миқдордаги маошнинг саккиз карраси ҳисобида устама фоизсиз қарз бериб турилади.

- Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, - дейди туман электр тармоғи идораси касаба уюшма қўмитасининг раиси Шуҳрат Зарипов, - ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, малакали кадрларни сақлаб қолишга, уларга имтиёзлар беришга диққат-эътибор бермоқдамиз.

Корхонада ишчи-хизматчи меҳнат таътилига чиқса, унинг меҳнат стажига қараб пул тўланадиган қўшимча кунлар белгиланади. Шунингдек, зарарли иш шароитида тунги навбатда ишлайдиганларга ҳам қўшимча таътиллар берилади. Ундан ташқари корхонада йигирма йилдан кўп ишлаганларга пенсияга чиқаётганларида пенсиясига нисбатан 20 фоизгача қўшимча нафақа белгиланади.

Электр тармоғида шунингдек, «Мустақиллик», «Наврўз» каби катта байрамларда турли маданий тадбирлар ўтказилади. Шу ерда ишлаб кетган фахрийлар ҳам уларга таклиф этилади. Байрам муносабати билан ҳозир ишлаётган ва шу ерда ишлаб кетган фахрийларга совға-саломлар ташкил этилади. Бундан ташқари, кам таъминланган, кўп болали, бетоблар оиласидан хабар олинади, моддий ёрдам чоралари кўрилади.

Корхонада меҳнат хавфсизлигини сақлаш, ишчи-хизматчиларга ишлаб чиқариш қулай иш шароитларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар ойнинг иккинчи сешанбасида техника хавфсизлиги бўйича ўқув ўтказилади. Жамоа махсус иш кийимлари, якка ҳимоя воситалари билан тўла таъминланган. Туман электр тармоғи ҳузурида сауна, душ бор. Ишчи-хизматчилар ишдан кейин коржомаларини ечиб, ювиниб-тараниб уйга қайтадилар.

Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга эътибор кучайтирилмоқла. Эҳтиёж туғилган одамларга санаторийларга йўлланмалар олиб берилмоқда.

Вазирлик ҳузурида жуда яхши шароитларга эга бўлган тиббий-санитария қисми бор. Оғир касал бўлганлар ана шу тиббий-санитария қисмининг шифохонасига жойлаштирилади ва дори-дармонлар бепул берилади.

Туман электр тармоғида ишчи-хизматчилар ва улар оила аъзоларини дам олдириш, умуман ҳордиғини ташкил этиш йўлида яхши тадбирлар тузиб амалга оширилмоқда. Электрлаштириш вазирлигига қарашли «Энергетик» дам олиш уйида, шунингдек, Бўстонлиқ туманидаги «Ором», Тошкент денгизининг хушманзара гўшасида жойлашган «Ором» дам олиш ҳудудида ҳордиқ чиқарадилар. Оилавий бориш учун корхонадан автобус ажратилади.

Корхонада жамоани ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда.

Будир ПЎЛАТОВ.



***Нукус қурилиш жиҳозлари комбинати ҳиссадорлик жамияти учун хомашё жиҳози ва бошқа етишмовчиликлар бутунлай бегона. Бу ерда 298 ишчи фидокорона меҳнат қилаётир. Шу боисдан комбинат ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришмоқда. Қорақалпоғистондаги кўпгина муҳим қурилиш майдонлари топшириғини ўз вақтида ва сифатли ўринлаётир.***

***Комбинат ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш билан бирга, маҳсулот ҳажмини ошириб келмоқда. Ишнинг тўғри ва аниқ йўлга қўйилгани, кўпгина корхоналар билан ўзаро алоқа борлиги ютуқлар гарови бўлаяпти.***

**Суратда: ишчи Жокил Хўжабетова ва Элимхон Ўтбегановалар.**

Аманбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

# КИЧКИНТОЙЛАР— ОТА-ОНАЛАРИ МЕҲМОНИ

Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлимига бу ерга ишловчиларнинг фарзандлари ташриф буюришди. Тадбир «Дунё болалар нигоҳида» деб аталган эди. Саноат-қурилиш банки касаба уюшма қўмитаси икки ҳафта олдин расмлар конкурси эълон қилди. Конкурс банк ходимларида ҳам, уларни жажжи фарзандларида ҳам зўр қизиқиш уйғотди. Болалар ўзлари севган куй, қўшиқ ва рақсларини ўртоқларига намойиш қилдилар. Байрамда республика қўғирчоқ театри ижодкорлари ҳам қатнашиб, уни янада қизиқарли ўтказишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Конкурсда қатнашган болаларга совға-саломлар берилди. Ширинликлар ва лаззатли таомлар билан безатилган дастурхонлар ёзилди.

Болалар ота-оналарининг ишлайдиган ва тушлик қиладиган жойларини кўрдилар, мириқиб ҳордиқ чиқардилар ва олам-олам тассуротлар билан уйларига қайтдилар.

Бу тадбир саноат-қурилиш банки маъмурияти билан бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлимида бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

К. ТОШПЎЛАТОВА.

*Ана холос!*

## БОЙСУНДА «БАХТ УЙИ» ҚАЧОН БЎЛАДИ?

**Алпомишнинг ватани бўлган Бойсун тумани Сурхандарё вилоятининг энг сўлим, тоғли гўшаларидан биридир. Кўп буюк ва улуғлар шу маконда туғилиб вояга етганлар.**

**Тарихи минг йилларга бориб тарқалган бугунги Бойсун туманида кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Буларни инкор этишга ҳаққимиз йўқ. Аммо бойсунликларнинг бир неча йиллардан бери амалга ошмай келаётган орзуларини биласизми?**

**Бойсун туманида ҳалигача «Бахт уйи» йўқ. Тоғликлар юртбошимиз томонидан бу йил «Оила йили» деб эълон қилинганда, энди бизда ҳам ёшларимизни муқаддас уйларига оқ фотиҳа билан кузатадиган даргоҳ «Бахт уйи» бўлади, деб севинишган эди. Мана бу йилнинг 5 - ойи ҳам ўтиб кетмоқда.**

**Туман фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви бўлими идораси ҳокимлик биносининг биринчи қаватида жойлашган. Бўлим бошлиғи Зулфия Саидовадан «Нега «Бахт уйи» йўқ», деган сўровимизга «Гувоҳнома ёзиш, фуқароларни қабул қилиш, аризаларни ўрганиш билан бандман. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмапман»,деб жавоб қилди.**

**Зулфия опани янги иш бошлаган ҳам дейлик, наҳотки бу ҳақда шу соҳада илгари ишлаган раҳбарлар, қолаверса, фаоллар, туман ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар ўйлаб кўришмади. Туман ҳокими Тўрақул Ҳамроевга учрашамиз.**

**- Тан оламан, «Бахт уйи» йўқ. Биз Оила йили муносабати билан бу борада қурилиш ишларини бошламоқчи эдик. Бироқ, иқтисодий танглик халақит бермоқда.Кейинги йилларда қурилишни бошласак керак, - дея жавоб берди Ҳоким.**

**Энди, хулосани ўзингиз чиқараверинг. Туман Ҳокими аниқ дастурни айта олмагач...**

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

# ҲУҚУҚИЙ САҲИФА

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий Суд ва Олий хўжалик судидан иборат. Олий суд ҳокимиятининг давлат ҳокимияти тизимига киритилиши демократик ўзгаришларнинг асосларидан биридир.**

*Ҳуқуқингизни кимдан сўрашни биласизми?*

## ХЎЖАЛИК СУДИ



**Бугунги суҳбатдошимиз Республика Олий хўжалик суди тарғибот бўлими бошлиғи Меҳмонали НИЁЗОВ.**

**- Республика хўжалик судлари ҳақида умумий тушунча бериб ўтсангиз.**

- Республика Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари ваколати Конституциянинг 111-моддасида,- «Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлик ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади», - деб белгилаб қўйилган.

Демак, хўжалик судларининг фаолияти энг аввало одил судловни амалга ошириш ва иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган.

**-Шу ўринда табиий бир савол туғилади, аввалги арбитраждан ёки арбитраж суддан хўжалик судининг фарқи нимада?**

- Арбитражлар маъмурий-буйруқбозлик тизимининг маҳсули эди, шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан эмас, балки низоларга давлат сиёсатидан келиб чиқиб қарор эди.

Бозор муносабатларининг ривожи, иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги янги даврда амалдаги арбитражларни алмаштиришни тақозо этди.

Иккинчидан, давлатимиз раҳбари И.Каримов таъкидлаганидек «давлатнинг фаол ислоҳатчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради».

Учинчидан бозор шароитида ҳар қандай иқтисодий фаолиятдаги низоларни фақат одил судловни амалга ошириш орқали эришилиши барчага аён бўлиб қолди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимнинг типик органи бўлган давлат арбитражи ўз ваколатига аралашувни чеклай олмас эди.

Хўжалик судларининг туб моҳияти шундан иборатки судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Судлар тўғрисида»ги қонун ҳамда «Хўжалик процессуал кодекси»да белгилаб қўйилганидек Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги, яъни суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги суд ҳужжатлари мақомини кўрсатиб турибди.

Суд ҳокимиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида вужудга келган республика хўжалик судлари фаолияти йиллар ўтиши билан такомиллашувни талаб этди. Бундай табиий жараён асосида Республика Президенти И.Каримовнинг 1996 йил 25 июлдаги «Хўжалик судлари таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан Тошкент шаҳар хўжалик суди ташкил этилди. Бундай такомиллашувнинг давом этиши табиийдир. И.Каримовнинг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобида: «Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди. Суднинг ҳуқуқ доираси кенгайди»,-деб ҳақли равишда эътибор этилади.

Республика хўжалик судларида кўрилган низолар сони 1997 йил 1994 йилга нисбатан деярли 100 фоизга кўпайди. Жорий йилнинг 4 ойида бу рақам 5363 тани ташкил этди. Бу эса, 1997 йилнинг 4 ойига нисбатан 1260 тага (23%) кўпдир.

Хўжалик судларига мурожаатлар сонини узлуксиз ортиб бориши аҳолининг, тадбиркорлари ва барча хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий билимлари ҳамда юридик хизматни қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқдир.

Яна мисолларга мурожаат этсак. 1994 йили хўжалик судлари томонидан даъвогарлар фойдасига ундирилган маблағлар 59 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1997 йили бу сумма 26 млрд. 883 млн сўмни (455,6 баробар) ташкил этди.

**- Шу ўринда шартнома мажбуриятлари билан боғлиқ низолар масаласи хусусида ҳам фикр билдирсангиз.**

Шартнома бу жуда қадимий тушунча, яъни ҳар қандай замонда ҳам ўзаро шартлашиш мавжуд бўлган. Республика хўжалик судлари фаолиятида ҳам шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли тартибда бажармаслик оқибатида келиб чиқаётган низолар сони катта фоизни ташкил этади, хусусан 1998 йилнинг 1 майгача бўлган ҳолатида низоларнинг умумий сонига нисбатан 68 фоизни ташкил этди.

Шартномалар юзасидан келиб чиқаётган низоларнинг асосий қисми маҳсулот етказиб бериш бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолиятига жиддий тўсиқлик қилмоқда.

Ўз вақтида маҳсулот ва товар етказиб бермаганлиги учун 1349 та даъво аризалари ҳал этилган бўлиб, хўжалик судлари томонидан 8 млрд.583 млн. 44 минг сўм ундирилган. Ундирилган суммалар ёки кўрилган ишлар сони хўжалик судлари фаолияти учун кўрсаткич рақамлар, аммо бу суммаларнинг ёки ишлар сонининг ошиши халқ хўжалигининг нормал фаолиятига тўғаноқ-ку. Қонун устиворлигини ва ҳуқуқий саводхонликни, алоҳида урғу билан айтиш мумкинки иқтисодий иш юритиш услубларини эгаллаш орқали низоларга кетган вақт ва маблағларни ижодий фаолиятга сарфлаш мумкин.

**- Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги Фармони мазкур масалада муҳим аҳамият касб этади.**

- Тўғри айтасиз. Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони хўжалик судлари фаолиятида ҳам кескин бурилиш ясади. Мазкур Фармон талаблари асосида Республика Олий хўжали суди томондан бир қатор қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлари Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган XI сессиясида қабул қилинди.

Баъзи ҳолларда ҳуқуқий саводсиз, салоҳияти паст шахсларнинг хўжалик субъектлари раҳбарлиги лавозимига ўтириб қолишлари бутун бир жамоа ишончини барбод қилади, шартномавий муносабатда бўлганларнинг фаолиятига ҳам иқтисодий, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказади.

Мазкур Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларига бир неча ваколатлар берилди:

***- хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатиш.***

Фармон эълон қилинган кундан буён 100 га яқин мансабдор шахслар устидан жиноят ишлари қўзғатилди. Авваллари раҳбар биргина ариза билан бошқа ишга ўтиб кетиши мумкин эди. Меҳнат жамоаси эса ундан қутилгани учун шукурдан нарига ўтолмас, аниқроғи раҳбар алмашар эди-ю, жамоа ўз ёғига ўзи қоврилиб қолар эди.

Корхона раҳбари жамоа олдида, жамият олдида қонун талаблари даражасидаги масъулиятини қоғозда эмас, фаолиятида сезиши зарурлигини энди яшириб бўлмайди.

Жамоа раҳбарнинг шахсий гвардияси эмас, раҳбар жамоа тақдири учун энг асосий жавобгар шахсдир.

Фармонда белгилаган нормалардан бири:

***- иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўллашдир.***

Ўтган ойлар давомида мазкур ҳуқуқбузарлик учун айбдор шахслардан хўжалик судларининг қарорлари билан ярим миллиондан ортиқ жарима ундирилган, шунингдек

- хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплатиш чораси ҳам мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширувчи омил бўлиб, етказилган 6 миллион сўмлик зарар хўжаликлар ҳисобига ундирилган. Фармон талабларидан келиб чиқиб, хўжалик судлари, - ***пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасигача олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга 100 га яқин тақдимномалар киритган.***

**- Бевосита хўжалик судлари фаолияти билан боғлиқ яна бир масала. Хўжалик судларига мурожаат тартиби қандай?**

- Хўжалик судларига ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

Даъвогар аризани хўжалик судига ёзма шаклда ёзган бўлиши ва у томонидан имзоланган ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши керак.

Даъво аризасида нималар кўрсатилиши керак;

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;

3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;

4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;

5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;

6) ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;

7) даъвогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса - уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;

8) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

9) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Шунингдек, даъво аризасига илова қилиниши зарур бўлган ҳужжатлар бор;

1) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисида;

2) даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

3) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар бўйича ҳужжатлар.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

**- Газетхонларимизга янада тушунарли бўлиши учун хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низоларни айтиб берсангиз.**

- Хўжалик суди қуйидагиларни ҳал этади:

1) тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

2) Шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

3) Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар:

4) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

5) Мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

6) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

7) етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;

8) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

9) давлат органлари ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

10) ундириш сўзсиз (акцентсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

11) давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

12) агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

13) текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Юқоридаги низоларнинг ҳар бири ҳақида кенгроқ фикр юритиш мумкин, аммо уларнинг ўзлари алоҳида бир мавзу.

- Ўйлайманки бугунги суҳбат билан танишган газетхонларимиздаги хўжалик судлари тўғрисидаги тасаввур бироз бўлсада бойиди деб айтсам хато бўлмас. Биз хўжалик судлари фаолияти ва хўжалик қонунчилиги масалаларига яна қайтамиз.

**Дилором КАРИМ қизи суҳбатлашди, «Ишонч» мухбири.**

*Истеъмолчи манфаати муқаддас*

## БИРИ ОШИРАДИ, БИРИ ЯШИРАДИ

Молиявий соҳада хизмат қилаётган, унинг қонун қоидалари учун қай даражададир жавобгар кимсаларнинг жиддий хатоси ёки нописандлигини мутлақо кечириб бўлмайди.

Қарши шаҳридаги ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахтабанк»ининг бош ҳисобчиси Нарзулла Рўзиев солиқ қонунларига зид ўлароқ 48592 сўм даромадни қасддан яширган. У нега шундай қалтис йўл тутган? Суриштирувчилар айни кунларда ана шу саволга жавоб изламоқдалар.

Шаҳрисабз туман улгуржи савдо ҳиссадорлик жамияти 29-дўкон сотувчиси Жамол Расулов эса харидорнинг кўзини шамғалат қилиб, у олган маҳсулотларни 214 сўм ортиқча баҳолаган. Бу қонунбузарлар қилмиши учун Республика жиноят Кодексининг 187-моддаси, 1-бандига кўра жавоб беради.

Тавба, бири оширади, бири яширади-я?

## ҚЎШНИНИНГ ҚОЗОНИ ҚАЙНАЯПТИМИ?

Республика ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини енгиш, аҳолини озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Аммо, шаҳар ва тумандаги «Ўзим чиққан тепа омон бўлсин» қабилида иш кўраётган баъзи кимсалар ғамини эмас, кўпроқ ўз манфаатларини кўзлаётирлар.

Косон туманидаги «Пўлати» очиқ савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 29-савдо дўконида текшириш ўтказилганда, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган чой, макарон, гугурт маҳсулотлари йўқлиги аниқланди. Касби туманидаги Муғлон қишлоғида жойлашган «Аллот» аралаш моллар дўконида ун бўлмаса, Қоратепа қишлоғидаги 7-савдо дўконига анчадан буён ўсимлик ёғи келтирилмаган. Бу дўкондорларни фақат қишлоқдошлари эмас, ҳатто қўшниларининг қозони қайнаши ҳам сира қизиқтирмайди.

Шу йилнинг ўтган биринчи чорагида вилоят ҳудудидаги 182-озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи дўконларда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилиши ўрганилди. 61 ҳолатда 8 хил турдаги товарлар йўқлиги, 114 дўконнинг баъзиларида ун, шакар, ўсимлик ёғи, иккинчисида чой, макарон, хўжалик совуни, ҳатто туз ва гугурт йўқлиги маълум бўлди.

## БУНГА ЗАРУРАТ ЙЎҚ

Республика иқтисодиётини режали ташкил этиш, маблағларни тўғри ва ўринли тақсимлашда молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш ниҳоятда муҳим. Кўпгина корхоналарнинг бепарво раҳбарлари ва бош ҳисобчилари ана шу ҳолатнинг бузилишига йўл қўйиб, катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Қарши шаҳридаги «Исо» кичик корхонаси, моддий техника таъминоти идораси, «Семурғ» хусусий фирмаси ва бошқа ташкилотлар шу йил биринчи чорак ҳисоботларини белгиланган муддатда топширмаганликлари сабабли жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Баъзан раҳбарлар: «Нима қилайлик, молиявий қонун-қоидаларни ноиложликдан бузаяпмиз» дейишади. Ҳисоботларни кечиктириш бадалига молиявий аҳволга путур етказиш учун қандай зарурат туғилди экан?

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**



**Нормурод Холжигитов Жомбой тумани Давлат солиқ инспекциясида ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлимини бошқариб келмоқда. У бошчилик қилаётган бўлим ўз олдига қўйилган вазифани бажармоқда.**
**Суратда: мудир Н.Холжигитов оила аъзолари билан**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ

Аҳолини ҳуқуқий маданияти, билимини ошириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақидаги Фармони халқимизни келажакка ишонч назари билан қарашга янада руҳлантирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июль кунги «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва вилоят адлия бошқармаси ҳузурида унинг минтақавий бўлими, шунингдек, вилоят ҳокимининг 1997 йил 7 август кунги қарори билан туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ишловчи бўлимлари, шунингдек,вилоят ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идораларининг ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарларидан иборат Кенгаш аъзолари таркиби белгиланиб, улар ўртасида вазифалар тақсимланди. Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошидаги жамоатчилик асосидаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг ҳудудий бўлинмаларига раҳбарлик қилиш туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан амалга оширилмоқда.Ҳозирги кунда халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятдаги педагогик ходимларнинг малакасини ошириш институтида ўрта мавктабларда ҳуқуқ фани ўқитувчиларини малакасини оширишни ташкил қилиш ва бунга тажрибали ҳуқуқшуносларни жалб қилиш масаласига асосий эътиборни қаратмоқдамиз.

Вилоятдаги мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда хотин-қизларнинг ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, уларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида семинар ва ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик танловини ўтказиш борасида тайёргарлик ишлари бошланди. Ҳуқуқий таълимни ташкил қилиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ишларини фаоллаштириш, бу борадаги муаммоларнинг ечимини топиш, бўлим ва бўлинмаларнинг, қолаверса вилоятимиздаги барча ҳуқуқшуносларнинг шу кунги долзарб вазифаси ҳисобланмоқда.

**А. ДЎСЧОНОВ.**
**Хоразм вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи.**

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

**Саволларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқий Бош нозири КАРИМ МУХТОРОВ жавоб берди.**

***- Ходимамиз, 6 ой муддатга ўз ҳисобидан меҳнат таътили беришимизни сўраб мурожаат этмоқда. Ушбу мурожаатнинг асосий сабаби чет элда боласини даволатиш деб кўрсатмоқда.***

***Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 150-модда 1-бандига асосан ушбу ходимга 6 ой мобайнида ўз ҳисобидан меҳнат таътили бериш мумкинми?***

**Самарқанд вилоят ГМЭ хизмати кадрлар бўйича мутахассиси Я.ФАЙЗИЕВ.**

- АМАЛДАГИ МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА АСОСАН (МКнинг 150-моддаси) ходимнинг илтимосига биноан иш берувчи томонидан унга ўз ҳисобидан, яъни иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин.(Лекин шарт эмас). Таътилнинг энг кўп муддати қонунда кўрсатилмаган. Шунинг учун таътилнинг муддати ходим билан иш берувчининг ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш кераккки, агар ходимга олти ой муддатга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилган бўлса, Меҳнат кодексининг 142-моддасига мувофиқ ходимнинг йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажидан бу олти ой чиқариб ташланади.

* * *

***- Биз яшаётган қишлоқ 1980 йилдан буён шаҳарга айлантирилган. Шунга қарамасдан, биз тиббиёт ходимлари, коммунал имтиёзлардан фойдаланиб келаётган эдик. Лекин 1997 йил январь ойидан бошлаб, сизлар шаҳарда яшайсизлар деб - бу имтиёзлардан маҳрум этишди.***

***Шу тўғрими?***

**Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Қизилтепа шаҳри, Зарафшон кўчаси. 17-уйда яшовчи Раззоқ ҲАКИМОВ .**

- Қишлоқ жойларда ҳам яшаб, ҳам ишлайдиган врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ва улар билан бирга яшайдиган оила аъзолари хоналарни иситишдан ва электр энергиясидан бепул фойдаланадилар.Шаҳарда яшовчи бу ходимлар бу имтиёзлардан фойдаланмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1 декабрь 1993 йилдан 582-сонли қарорига асосан электр энергиясидан бу имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ойига 110КВТ соатга тадбиқ қилинади. Ойига 110 КВТ соатдан ортиғи учун амалдаги тўлиқ таъриф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

* * *

***-1996 йилнинг январь ойида меҳнат таътилида бўлдим. Ўша давр касаллик варақасида ҳам бўлдим. Ишга чиққанимда 1996-йил 1 мартдан имтиёзли пенсияга чиққанимни ҳисобга олиб, мени буйруқ билан вазифамдан озод қилишди.***

***Ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни нотўғри деб ҳисоблайман, кимга мурожаат қилишим мумкин?***

**А. ЛАТИПОВ, Бухоро вилоят, Пешку тумани.**

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 270-моддаси талабларига мувофиқ агар Сизни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа норози бўлсангиз ишдан бўшаш тўғрисидаги буйруқнинг нусхасини ёки ишдан бўшатилганингиз тўғрисидаги ёзувлар киритилган меҳнат дафтарчасини олганингиздан сўнг бир ой муддат ичида меҳнат низоларини кўрувчи комиссияга ёки судга мурожаат қилишингиз керак эди. Сиз бу кўрсатилган муддатни ўтказиб юборгансиз. Агар Сизда бу муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганингизни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлса, меҳнат низоларини кўрувчи комиссияга ёки тўғридан-тўғри судга ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Фақат меҳнат низоларини кўрувчи органлар, ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топишса, қайтадан тиклаши ва аризангизни кўриб чиқиши мумкин.

